

---

## Марғилон шаҳридаги "Ижодкорлар боғи"да "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими ўтказилди

Фестивалга юртимизнинг барча худудларидан, шунингдек қўшни Қозоғистон ва Қирғизистондан жами 20 га яқин ижодий жамоалар, 200 нафарга яқин халқ ижодиёти намояндалари, санъат ва маданият арбоблари, шунингдек кўплаб оммавий ахборот воситалари ходимлари ташриф буюришди.

Шунингдек, яна ўнлаб вилоятимиз фольклор жамоалари жалб этилган.

Эслатиб ўтамиз: Фестиваль доирасида илмий-ижодий конференция, семинарлар, давра сұхбатлари, сайллар, концертлар, кўргазмалар уюштирилади, турли ҳаваскор фольклор жамоалари, ашула, мусиқа ва рақс ансамбллари, яккахон ижрочилар чиқишлиари намойиш этилади.

2023-05-29 23:08:14